



Усмон III (1699 йил 2 январ – 1757 йил 30 октябр) – усмоний хукмдор (1754-1757). Мустафо II нинг ўгли, Махмуд I нинг укаси. Тахтга чиқарилгунча 50 йилга яқин “Кафас”да сақланган. Усмон III мусикани ва мусикачиларни жуда ёмон кўрган ва уларни саройдан қувишга буйруқ берган. Шунингдек аёлларни ҳам ёқтирмаган, у яқинлашганида сарой канизаклари қочиши учун махсус пошнали пойафзал кийиб юрган. Усмон III хукмронлиги даврида 7 та вазир алмашди ва уларнинг мол-мулки султон фойдасига мусодара қилинган. Усмон III яҳудий ва христианларни қийимларига мусулмонлардан ажралиб туришлари учун махсус белги кўйиб юришга мажбурлаган.

Мустафо III (1717 йил 28 январ – 1774 йил 21 январ) – усмоний хукмдор (1757-1774). Ахмад III нинг ўгли. Хукмронлик даврида Ғарб ва Россиядан ортда қолмаслик учун давлат аппарати ва қўшинда ислохот ўтказишга уринди. Унинг ислохотларига яничарлар жуда қаттиқ қаршилик кўрсатишди.

Усмонийларнинг харбий жихатдан заифлашганини англаган Мустафо III катта микёсдаги харбий харакатлар олиб бомади. Кримнинг Екатерина II томонидан аннексия килинишига ҳам каршилиқ кўрсата олмади. Бирок Польшада Россиянинг олиб бораётган харакатлари уни ўлимидан биров олдин Россияга карши уруш эълон килишга мажбур қилганди.

Абдулхамид I (1725 йил 20 март – 1789 йил 7 апрел) – усмоний хукмдор (1774-1789). Ахмад III нинг ўгли. Унгача огир ахволга тушиб қолган давлат яничарларга ҳам маош тўлашга қурби етмай қолди.

Россияга карши олиб борилган урушда Колужа жангида мағлуб бўлишди ва 1774 йил 21 июл куни Кичик-Кайнаржа битими имзоланди. Битимга кўра, Россия қора денгизда Харбий-денгиз флотига эга бўлиши ҳамда Усмонийлар давлатига тобеъ Болкон ва Кримда ўз таъсирини ёйиш ҳуқуқини қўлга қиритди.

Огир мағлубиятлар Абдулхамид I ни маъмурий ва харбий ислохот ўтказишга мажбур қилди.

Сурия ва мореядаги қўзғолонларни бостириш йўқотилган Кримнинг ўрнини тўлдиролмади. 1783 йили Россия Кримни аннексия қилди.

1787 йил Россияга карши уруш бошланди. Бу урушда 1788 йилдан бошлаб Австрия ҳам қатнашди. 1788 йил Очаков қалъаси руслар эгаллади.

Султон Абдулхамид I Очаков қулагандан сўнг орадан 4 ой ўтгач вафот этди.

Салим III (1761 йил 24 декабр – 1808 йил 28 июн) – усмонийлар хукмдори (1789 йил 7 апрел – 1807 йил 29 май). Мустафо III нинг ўгли.

1792 йили Россияга карши уруш тугади ва Усмонийларни ён беришга мажбур қилган Ясса тинчлик битими имзоланди.

1798 йили Наполеоннинг Мисрга юриши сабаб французларга карши уруш олиб боришга мажбур бўлди. Салим III 1802 йил сулҳ тузилгандан кейингина давлатнинг ички муаммолари билан шугулланишга киришди. Султонларни яничарларга қарамлигидан қутулиш мақсадида уларга карши қураши ҳам натижа бермади. Охир-оқибат яничарлар Истамбулда исён қўтариб Абдулхамидни тахтдан ағдаришди ва тутқун қилишди. Бир йилдан сўнг Мустафо Байроқтўра бошлиқ унинг тарафдорлари Истамбулга киришди, лекин Салимни қутқара олишмади. Салим III ни амакиваччаси қатл эттиришга улгурганди.

Мустафо IV (1779 йил 8 сентябр – 1808 йил 16 ноябр) – усмонийлар хукмдори (1807 йил 29 май – 1808 йил 28 июн). Абдулхамид I нинг ўгли. Салим III га ва унинг ислохотларига карши яничарлар томонидан уюштирилган исёндан сўнг тахтга чиқарилган. Галамислар бошлиғи Мустафо пошшо Кобокчи вазири аъзам лавозимини эгаллади. Харбий ислохот ҳақидаги “Низоми жаҳид” бекор қилинди ва қўплаб ислохот тарафдорлари қатл этилди.

Мустафо IV даврида Россияга карши уруш давом этди. Дарданелга ёриб ўтмоқчи бўлган усмонийлар флоти Афон денгиз жангида тор-мор этилди. Руслар Дунай князликларини истило қилаётган пайтда 1807 йил август куни сулҳ тузилди.

1808 йили Рушук ноибни Мустафо пошшо Байроқдор ўзга содиқ жангчиларни олиб Салим III ни тахтга тиклаш мақсадида Истамбулга юриш уюштирди. Мустафо IV тарафдорлари унга муносиб қаршилиқ кўрсата олишмади. Саройга ҳужум қилинаётган пайтда Мустафо IV Салим III ни ва ўзининг кичик ўқаси Махмудни ўлдиришга буюрди. Лекин қотиллар

Махмудни топа олмадилар. Мустафо пошшо Мустафо IV ни хибсга олди ва ўша вақтда топилган Махмуд тахтга чиқарилди.

1808 йил ноябрда навбатдаги яничарлар фитнаси бўлди. Улар Мустафо IV ни тахтга тиклашмоқчи эди. Бу исён пайтида Махмуд II буйруғи билан Мустафо IV қатл этилди.

Махмуд II (1785 йил 20 июл – 1839 йил 1 июл) – усмоний ҳукмдор (1808-1839).

Абдулҳамид I нинг иккинчи ўғли. Махмуд II давлатни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли Салим III бошлаган ислохотни давом эттириш деб билди. Махмуд II ҳукмронлиги даврида Россияга қарши иккита оғир уруш олиб борди (1806-1812 ва 1828-1829-йиллар), шунингдек унинг даврида Усмонийлар давлати Греция, Сербия, Молдавия ва Валахияни бой берди. Миср устидан назоратни йўқотди.

Махмуд II 1826 йили яничарлар корпусини батамом тугатди.

Абдул Мажид I (1823 йил 23 апрел – 1861 йил 25 июн) – усмоний ҳукмдор (1839-1861).

Махмуд II нинг қатта ўғли. 1839 йил 24 июнда Миср кўшинининг Нусайбиндаги мағлубиятидан кўп ўтмай 1 июл куни тахтга чиқди.

Абдулмажид отаси бошлаган “Танзимот” ислохотини давом эттирди. Унинг даврида мусулмон бўлмаганларнинг ҳарбий хизмат ўташларига руҳсат берилди. Миллий байроқ ва мадҳия қабул қилинди. Қонунчилик Наполеон кодексларига асосан янгиланди. Темирйўл ва телеграф ишга туширилди.

Султон Абдулмажид I 1839 йил 3 ноябрда Рашид Мустафо пошшо маслаҳатига биноан “Хатти шариф”ни имзолади. Унда Усмонийлар давлати фуқароларига тенг муносабатда бўлиш белгиланганди.

1840-йилларда султон Британия ҳукумати қаршичилигига қарамасдан очарчиликдан қийналаётган Ирландия аҳолисига пул ва нон билан ёрдам берди.

1850 йилда Англия қувватлаётган Усмонийлар давлати Австрия ва Россияга давлат жиноятчиларини топширишдан бош тортди, бунга жавобан Австрия 1852 йили туркларни Черногориядан сиқиб чиқарди.

Крим уруши. Ўша вақтда Куддусдаги христиан зиёратгоҳлари юзасидан тортишув келиб чиқди ва Россия қутилмаганда 1853 йили уруш эълон қилди. Шундай қилиб Крим уруши бошланди. Англия ва Франция Усмонийлар давлатига иттифокчи бўлди.

1856 йил 18 февралда Хатти Хумоюн ислохот қонуни ишлаб чиқилди.

1856 йил 30 мартда Париж битими.

1858 йили султон хазинаси банкрот бўлгани маълум қилинди.

Султон Абдулмажид I 1861 йил 25 июн куни қил касалидан вафот этди.

Абдул Азиз (1830 йил 9 феврал – 1876 йил 4 июн) – усмоний ҳукмдор (1861-1876).

Махмуд II нинг иккинчи ўғли. 1861 йил 25 июнда ақаси Абдулмажид вафот этгач тахтга чиққан. Султоннинг асаб касаллигига йўлиққани учун давлатни 1862 йилдан 1871 йилгача вазир бошқарди.

1866 йили Кандия кўзғолони.

1867 йили Белграднинг Сербияга ўтиши.

1868 йил Грециянинг дипломатик ғалабаси.

Абдул Азиз 1867 йили Гарбга йўл олди. 30 июн куни Парижда дабдабали кутиб олинган Абдул Азиз Бутунжаҳон кўрғазмасини бориб кўрди. 12 июлдан 23 июлгача Лондонда бўлди. 24 июл куни Кобленцда Пруссия қироличаси тақлифини қабул қилди. 5 кун

Венада бўлди ва 1867 йил 7 августда Истамбулга қайтиб келди.

1871 йили Али пошшо ўлгач давлатни мустакил бошқаришга киришди. Давлат маблағини талон-тарож қилиб ўз ҳисобига ўзлаштиришга уринди.

(1873 йили 21 млн эвазига Миср хадивини мустакил ҳукмдор деб тан олди.)

1876 йил 11 майдаги кўзғолон вазири аъзам Махмуд Надимнинг лавозимидан олиб ташланиши билан тугади. Муҳаммад Рушдий ва Хусайн Авнийлар юқори лавозимга кўтарилдилар. Улар 1876 йил 30 май куни Абдул Азизни тахтдан воз кечишга мажбур қилишди. Орадан бир неча кун ўтгач қамаб қўйилган Чирогон саройида ўлдирилди.

Мурод V (1840 йил 21 сентябр – 1904 йил 29 август) – усмоний ҳукмдор (1876 йил 30 май-31 август). Абдулмажид I нинг ўгли. Абдул Азиз ағдарилгач Муҳаммад Рушдий, Хусайн Авний ва Мидхат пошшо томонидан тахтга чиқарилган. Мурод V тахтга чиққач бир канча вазирлар ўлдирилди, жумладан Хусайн Авний Абдул Азиз қариндошлари томонидан Мидхат пошшо уйида ўлдирилди. Узок вақт ўлдирилишидан кўриб яшаган Мурод V нинг асаблари ўта қарчаган эди. Мурод V ни даволаш учун Венадан психиатр Лейдерсдорф қақирилди. У султоннинг қасали оғир эканлигини ва уни узок даволаш талаб қилинишини тушунтирди. Лекин Мидхат пошшо шайх ул-ислом томонидан Мурод V ни давлат бошқаришга яроксиз деб қикарган фатвосига таяниб 31 август куни султонни тахтдан туширди ва уни Босфор соҳилидаги Чирогон саройига қамаб қўйди. Унинг кейинги тақдири бироз вақт номаълум бўлди. 1878 йил 20 май куни исёнчилар Мурод V сакланаётган жойга бориб уни тахтга қикаришни кўзлашди. Лекин Мурод V улар билан бирга кетишни истамасди. У ерга ҳукумат қўшинлари етиб келиб исёнчиларни жазолади. Мурод V асирликда 1904 йил 29 август куни вафот этди.

Абдулҳамид II (1842 йил 22 сентябр – 1918 йил 10 феврал) – усмоний ҳукмдор (1876-1909). Абдулмажид I нинг иккинчи ўгли. Ақаси Мурод V рухий қасал деб топилиб қамолқа олингач, 1876 йил 31 август куни тахтга қикқан.

Абдулҳамид тахтга қикқач 1876 йил 23 декабрда конституция қабул қилди. Унда Усмонийлар давлатининг барқа фуқароларининг тенглиги айқилганди. Лекин 1878 йил февралда конституцияни бекор қилди ва кейинчалик “зулм” деб номланган мустақид тузум ўрнатди.

1877-1878-йиллардаги рус-турк уруши. Султоннинг славян халқларга муносабатини ўзгартирмагани учун Россия 1877 йил 24 апрелда усмонийларга қарши уруш эълон қилди.

1878 йил 3 мартда Руминия, Сербия ва болгар провинцияларнинг мустақиллиги тасдиқланган Сан-Стефано битими тузилиб урушга яқун ясалди. Россия, Сербия ва Черногорияга сезиларли ҳудудлар берилди, харбий қаражатларни қоплаш учун контрибуция солинди.

1878 йил 13 июл куни Берлин конгрессига мувофиқ султон Боснияни Австрияга, Кипрни инглизларга, Фессалия ва Эпирнинг бир қисмини грекларга топширди.

Берлин конгресси давом этаётган пайтда Абдулҳамид халқнинг эътибори ички ахволдан қалқиганини кўриб парламент сессиясини тарқатиб юборди. Парламент 1908 йилги инқилобгача қайта қақирилмасди. Султон ҳокимиятни ўз қўлига олди. У тахтдан қулатишларидан кўриб ўзига қўплаб соқчиларни хизматга олди ҳамда мамлақатни махфий полиция ва жосусларга тўлдирди. Абдулҳамидни тахтга олиб қикқан “Турк конституцияси отаси” Мидхат пошшо фитнада айбланиб ўлимга ҳукм қилинди. Оқлангач

Арабистонга сургун килинди, ва у ўша ерда вафот этди.

1882 йили Усманийлар давлати ўзини банкрот деб эълон килди ва займларга фоиз тўлашни тўхтатди. Чет эл кредиторлари томонидан “Усманийлар давлати карзлари бўйича кенгаш” номи комиссия тузилди. Бу кенгаш давлатнинг баъзи даромадлари устидан назорат ўрнатди. (комиссия 5 аъзодан иборат бўлиб 5 йил муддатга тайинланарди: Лондонда чет эл облигациялари синдикати, Рим савдо палатаси ва Вена, Париж ва Берлинда Усманийлар давлати кредиторлари синдикати).

Абдулхамид курулди кучларни гарбий европалар каби даражага етказиш учун чоралар кўрди. Кўшида бир катор ислохотлар ўтказилиб аскар ва зобитлар тайёргарлиги яхшиланди. Мусулмонлар учун умумий гарбий мажбурият юкланди. Гарбий таркибни кучайтириш учун германиялик генерал Кольмар фон дер Гольц таклиф этилди ва унинг жуда катта ёрдами тегди. Зобитлар тайёрлаш учун 4 боскичли гарбий мактаблар ташкил этилди. Таълим тизими замонавий талабларга жавоб берарди. Гарбий мактаблар ўқитувчилари чет элликлар бўлиб, асосан немислар эди. Таълим олаётган зобитлар чет тилини ўрганишлари шарт эди.

Бу мактабларни битирган зобитлар Усманийлар давлатининг энг зиёли ва европача таълим олган кишилари эдилар. Натижада зобитлар орасида султонга нисбатан мухолифлик пайдо бўлди. Бир нечта инкилобий партиялар тузилди, улардан энг йирик ва кучлиси ёш туркларнинг “Иттиход ва адолат” партияси эди.

Зулм. Ёш турклар инкилоби ва султонни агдариш. 1877 йил бошида Мидхат пошшонинг лавозимидан олиб ташланиши, “янги усманийлар”га карши катагонлар, 1878 йил февралда парламентнинг таркатиб юборилиши яккахукмронлик тизимини – зулм ўрнатди

1890-йиллар охирида зулм турк жамиятида, аввало ёш турклар томонидан мухолиф кутиб олинди. 1908 йилги ёш турклар инкилоби натижасида Абдулхамид 1876 йилда бекор килинган конституцияни тиклашга мажбур бўлди.

1909 йил 27 апрелда ёш турклар томонидан аксилинкилобий исён бостирилгач султон тахтдан туширилди ва хибсга олинди. 1912 йилгача Салоникида сакланди, кейин Истамбулга олиб борилди ва ўша ерда 1918 йили вафот этди.

Мухаммад V (1844 йил 2 ноябр – 1918 йил 3 июл) – усмоний хукмдор (1909 йил 27 апрел – 1918 йил 3 июл). Абдулмажиднинг ўгли, Абдулхамид II ёш турклар томонидан агдарилгандан сўнг тахтга чиқарилган. Мухаммад V Усманийлар давлати тарихида биринчи конституцион монарх бўлди. Султонда факат шайх ул-исломни ва вазири аъзамни тайинлаш ҳукуки колди. Мухаммад V даврида ҳокимиятни амалда “Иттиход ва тараккиёт” партияси марказий кенгаши, 1913 йилдан “триумвират” – Анвар пошшо, Талъат пошшо ва Жамол пошшо бошлик гуруҳ бошкарди.

Триполитан уруши.

Биринчи болкон уруши.

1914 йил ноябрда Усманийлар давлати Биринчи жаҳон урушига кирди.

Мухаммад VI (1861-1926) – сўнгги усмоний хукмдор (1918-1922). Биринчи Жаҳон уруши якунланаётган пайт (1918 йил 4 июл)да тахтга чиқарилган. Собик султон 1926 йилда Сан-Ремода вафот этган, сўнгра Дамашкда дафн этилган.

Усманийларнинг асосий кучлари 1918 йил сентябр-октябрда Фаластин, Сурия ва Ироқда инглизлар томонидан мағлуб этилди. Болгариядаги Салоники фронтдаги кўшин

таслим бўлгандан сўнг, иттифокчилар Константинополга бостириб киришга тайёрлана бошлашди. 1918 йил 31 октябрда Мудрос бўғозида ёш туркларнинг вакиллари иттифокчиар таклиф этган сулҳни имзолашди. Бунга кўра, турк кўшини куролсизланиши шарт килинди. Ирок, Сурия, Фаластин, Трансиордания, Миср, Арабистон ярим ороли мамлакатлари ва Ливия Усмонийлар давлатидан ажратилиши ва у ҳудудларда Антанта давлатларининг мандати ўрнатиладиган бўлди. Урушдаги мағлубият ёш туркларнинг ўн йиллик ҳукмронлигига барҳам берди. 1918 йил 3 ноябрда ёш туркларнинг раҳбарлари Германияга кочиб кетишди, “Иттиҳод ва тараккий” партияси эса ўзини таркатиб юборганини маълум килди. 13 ноябрда иттифокчилар кўшини Истамбулга яқинлашди, 14 ноябрда эса шаҳарга кириб келди.

Мухаммад VI 1918 йил 21 декабрда парламентни таркатиб юборди ва Домод Фарид пошони вазир этиб тайинлади. Бу вақтда Усмонийлар давлати Истамбулдаги Антанта вакилларига тўла қарам бўлиб қолганди. 1919 йил май ойида греклар кўшини Измир ва унга қўшни ҳудудларни истило килди. Мустафо Камол пошшо 1919 йил давомида Онадўлидаги озодлик ҳаракатига раҳбарлик килди. 1920 йил январда янги парламент чакирилди, парламент аъзоларининг кўпчилиги Мустафо Камол тарафдорлари эди. 16 мартда эса инглиз кўшини парламентни таркатиб юборди. Бунга жавобан Мустафо Камол тарафдорлари Анкарада “Буюк миллат мажлиси” деб номланган янги парламент ташкил қилишди. Бу парламент ўзини мамлакатдаги қонуний ҳокимият деб эълон килди. Парламент султонга бўйсунмасликка тарғиб килди. Бунинг учун султон Мустафо Камолни исёнчи деб эълон килди ва уни ўлимга ҳукм килди.

1919 йи бошида ёш туркларга муҳолиф бўлган ва инглизлар манфаатини ҳимоя қилувчи партия вужудга келди. Бироқ улар факат Истамбул атрофини назорат қилишарди ҳолос.

1920 йил 16 март куни султон Мухаммад VI нинг розилиги билан Истамбулга инглиз кўшинлари қирди ва шаҳар оккупация қилингани расман эълон қилинди. Парламент таркатиб юборилди, депутатлар эса ҳибсга олинди. Бунга жавобан 1920 йил апрелда Анкарада Мустафо Камол пошшо бошчилигида миллий мажлис чакирилди. 3 май куни Мустафо Камол бошлик ҳукумат ташкил қилинди. Туркларнинг бу ҳаракатини инглизлар исён деб баҳолашди ва буни бостиришни Грецияга юклашди. 1920 йил июнда греклар Измирдан Онадўли ичкарасига юриш бошлашди. Улар бир ойдан сўнг Эдирнани олишди. 10 августда Севр (Париж яқини)да султон ҳукумати ва иттифокчилар ртасида сулҳ имзоланди. Бунга кўра, Шаркий Фракия ва Эдирна, шунингдек Измир Грецияга, Мосул Англияга ўтиши белгиланди.

1922 йил 18 сентябрда турклар мамлакатни греклардан озод қилишди. 1922 йил 1 ноябрда мажлис томонидан султонлик тугатилгани маълум қилинди. Шундай қилиб, олти асрдан ошиқроқ давом этган Усмонийлар империяси тарихи яқунланди. 16 ноябр куни Мухаммад VI британ маъмурларига мурожаат қилиб ўзини Истамбулдан олиб чиқиб кетишларини сўради. У 17 ноябр куни инглизларнинг “Малайя” линкорида Истамбулни тарк этиб Мальта соҳилларига ўрнашди.

1923 йилда Лозанни шартномаси бўйича Туркиянинг ҳозирги чегаралари белгиланди. 1923 йил 29 октябрда Туркия республика деб эълон қилинди ва Мустафо Камол Туркиянинг биринчи президенти бўлди (1923-1938).

"ШАРКНИНГ МАШХУР СУЛОЛАЛАРИ" китобидан